

- **1-МАВЗУ: СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ҲАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИШ**

- **РЕЖА:**


- Сув ресурсларининг роли ва улардан ҳалқ хўжалигида комплекс фойдаланиш.
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.
- Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш тадбирлари.

• **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

- И. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Тошкент: Ўзбекистон.–2000 й.
- И.А.Каримов. Иқтисодий эркинлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисда сўзланган нутқ. «халқ сўзи» газетаси, 2002, 21 феврал.
- И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Тошкент. 2005 й.
- А.С.Султонов, С.Хўжаев, Д.Минин. «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси». Тошкент «Меҳнат», 1989.
- А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. «қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент. 2004.
- Ф.К.Каюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО. «Полигрон», 1992.
- А.С.Султонов, З.Я.Худойбергандов, С.А.қўчқорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент 2007.

Ўзбекистон ҳудудида ишлатиладиган сув ресурсларининг шаклланиши

Ўзбекистонда
шаклланади




Тожикистон ва
Қирғизистон
ҳудудида
шаклланади

Сувдан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш чоралари

- Сув ресурсларини бошқариш тизими такомиллаштириш
- Суғориш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш
- Суғориладиган ерларнинг мелиортив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг сув таъминотини ошириш
- Замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш
- Автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини яратиш
- Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини ишлаб чиқишни диверсификациялаш

Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг молиялаштирилиши



■ Жами ажратилган маблағ (млрд.сўм)

■ Шу жумладан электр энергия харажатлари (млрд.сўм)

■ Жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари (млрд.сўм)

2013-2015 йилларда бажарилган ишлар

қуриш ва реконструкция қилиш:

- ✓ 2575 км очик коллекторлар;
- ✓ 487 км ёпик-ётик дренаж тармоқлари;
- ✓ 27 дона мелиоратив насос станцияси;
- ✓ 399 дона мелиоратив тик қудуқлар;
- ✓ 141 дона гидротехник иншоотларида

таъмирлаш-тиклаш ишлари:

- ✓ 36957 км очик коллекторлар;
- ✓ 1564 км ёпик-ётик дренаж тармоқлари;
- ✓ 52 дона мелиоратив насос станцияси;
- ✓ 1330 дона мелиоратив тик қудуқлар;
- ✓ 4700 дона гидротехник иншоотларида

“Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси
томонидан 2013-2015 йилларда **жами 477 та техника**
етказиб берилди



2013-2015 йилларда амалга оширилган тадбирлар натijasида

ўрта ва кучли
шўрланган ер
майдонлар **81,3 минг
гектарга;**

сизот сувлари сатҳи
2 метргача бўлган
майдонлар **127,3 минг
гектарга** қисқарди.



2008 йилдан буён мелиоратив тадбирларнинг бажарилиши натижалари

- **2 млн. 44,2 минг** гектар
суғориладиган
майдонларнинг
мелиоратив ҳолати
яхшиланди;

545,3 минг гектар ер
майдонларининг сув
таъминоти яхшиланди.



2013-2015 йилларда бажарилган ишлар

қуриш ва реконструкция қилиш:

- ✓ 890,2 км каналлар;
- ✓ 192,9 км лоток тармоқлари;
- ✓ 42 дона гидротехник иншоотлар;
- ✓ умумий қуввати 32,9 м³/сек насос станциялар;
- ✓ 48,3 км узунликда босимли қувурлар;
- ✓ 25,4 км қирғоқ ҳимоя ишлари;
- ✓ 325 млн.м³ сиғимли сув омборлари

Сув хўжалиги соҳасида инвестицион лойиҳаларни жалб этиш бўйича ҳамкорлик қилинаётган халқаро молия институтлари




Сув хўжалиги соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш

Охирги 10 йилда:

**1,5 млрд.долл.
ортиқ маблағ
ажратилди**

**Бу маблағлар
20 дан ортиқ йирик
инвестиция
лойиҳаларга
сарфланди**



Сув тежамкор технологияларни қўллаш бўйича келгусидаги режалар

2013 - 2017 йилларда фермерлар ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан:

25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими,

45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули

34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этиш белгиланган;

Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2013 йил 21 июндаги** “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги **176-сонли** қарори тасдиқланди. **Унга асосан:**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит линиялари орқали имтиёзли йиллик **6 фоизли** кредит ажратилмоқда.

Тежалган сув ҳисобидан бошокли дон экинларидан бўшаган майдонларда **такрорий экин етиштиришда фойдаланиш имтиёзи берилган.**

Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш

Солиқ кодексининг 367-моддасига асосан **5 йил** муддатга ягона ер солиғи тўлашдан **озод этилган**.



367-модда. Имтиёзлар


Ягона ер солигини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб сугоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб сугориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш


Тежалган сув ҳисобидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда **такрорий экин етиштиришга йўналтириш.**

Тизимнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга **декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула ажратиш**


Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган умумий майдонларнинг ўсиши (гектар)




Кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғоришни жорий этиш динамикаси (гектар)




Эгатларга плёнка тўшаб суғоришни жорий этиш динамикаси (гектар)



Республика буйича олинаётган сув миқдорининг ўзгариши



1 гектар майдонга сарфланаётган сув миқдорининг ўзгариши



- Марказий Осиё давлатлари сув захираларининг 70-80% Тожикистон, қирғизистон ва қозоғистон давлатларини тоғли ўлкалари ҳудудларида жойлашгандир. Ўзбекистон Республикасида бир йилда ўртача 67 млрд. м³ сув истеъмол қилинади, шундан 50 млрд. м³ суғорма деҳқончилик учун сарфланади. ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 11-12 минг м³ сув сарфланади.
- Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини таъминлашда сув ресурслари ғоят катта роль ўйнайди. Сув муаммоси учта йўл билан ҳал қилинади. Биринчидан, дарё сувини тўла тартибга солиш керак. Дарё суви сув омборлари қуриш йўли билан тартибга солинади.
- Иккинчидан, бу қурилиш сув ҳавзалари ўртасида сувни қайта тақсимлаш йўли билан сув ресурслари ҳаддан зиёд бўлган районлардан уларнинг анчагина қисмини сув хўжалик районларга олиб бориш имконини беради.
- Учинчидан, ҳар бир ҳавза ичида сувни тежаб сарфлашга қаратилган сув хўжалиги ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилади. Буларга сув хўжалиги тизимларини қайта тузиш, оқова сувлардан такроран фойдаланиш, янги техникани, сув хўжалиги ташкилотлари билан сув истеъмолчилари ўртасида бозор муносабатларини жорий қилиш киради.

- Суғорма деҳқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигини куйидаги кўрсаткичлар характерлаб беради:
 - - суғориш тизимининг фойдали ишлаши коэффициентини;
 - - суғориш тизимида сувдан фойдаланиш коэффициентини;
 - - суғориш сувининг унумдорлиги.
- Сувнинг йўқотилиши суғориш тизимининг фойдали ишлаши коэффициентини (ФИК)да акс этадики, бу майдонга оқиб борадиган сувнинг ($W_{н-т}$) муайян давр (декада, ой, ўсиш даври) ичида суғориш манбаларидан ($W_{бр}$) олинган сув миқдорига нисбатидир.
- $ФИК_t = W_{Нт} / W_{бр}$
- Сув олиш ҳажми билан берилган сув ўртасидаги фарқ шимилиши ва буғланишга кетган йўқотишларни ташкил этади. $[(1-ФИК)*100]$ ифодаси бўйича тизимдаги сув йўқотишлар фоизи аниқланади.

- Сувнинг умумий йўқолишлари тизим сувдан фойдаланиш (СФКт)ни коэффициентда акс этади. Бу коэффициент ўсимликларнинг майдонлардаги сувни фойдали истеъмол қилишининг суғориш манбаларидан олинган сув миқдorigа нисбатидир.
- СФКт $E \cdot FW_{бр}$
- бунда:
- E —қишлоқ хўжалик экинларининг муайян вақт ичида фойдали сув истеъмол қилиши, м³ га
- F – суғориладиган майдонга
- $W_{бр}$ – суғориш манбаидан олинган сув миқдори, м³
- Суғориш сувидан фойдаланиш унумдорлигининг кўрсаткичи сувдан фойдаланиш самарадорлигининг умумлашувчи кўрсаткичидир. Суғориш сувидан фойдаланиш унумдорлиги (ССУ) кўрсаткичи эса табиий ёки қиймат кўринишида (АВП) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг суғориш манбаи ($W_{бр}$) дан олинган сувнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида аниқланади.
- $ССУ = \frac{АВП}{W_{бр}}$
- қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлиги суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти, сувдан фойдаланиш коэффициенти ва суғориш сувининг унумдорлиги ва ҳар бир м³ сув ҳисобига олинган фойданинг миқдори билан ўлчанади.

- Сув манбаларини ифлосланишидан муҳофаза қилиш муаммоси ҳозирги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Бу муаммони ечиш 3 йўналишда ҳал қилинмоқда: биринчи йўналиш сувларни тозалаш ишлари кўлами кенгайтирилмоқдан, иккинчи йўналиш оқова сувидан деҳқончиликда фойдаланиш кенгайиб бормоқда, учинчи йўналиш саноат корхоналарида сувдан ёпиқ цикл бўйича қайта-қайта фойдаланишга қаратилган тадбирлар қўлланилмоқда. Бу эса келажакда ўзининг ижобий самарасини беради.

• **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

- И. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Тошкент: Ўзбекистон.–2000 й.
- И.А.Каримов. Иқтисодий эркинлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисда сўзланган нутқ. «халқ сўзи» газетаси, 2002, 21 феврал.
- И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Тошкент. 2005 й.
- А.С.Султонов, С.Хўжаев, Д.Минин. «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси». Тошкент «Меҳнат», 1989.
- А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. «қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент. 2004.
- Ф.К.Каюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО. «Полигрон», 1992.
- А.С.Султонов, З.Я.Худойбергенов, С.А.қўчқорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент 2007.